

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 31 » декабрь 2019 у.

№ 1053

Toshkent sh.

**2019-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал
ривожлантириш тўғрисида**

Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, туризм салоҳияти юқори ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар сайёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, вилоятнинг ўзига хос табиий ҳудудларида янги туризм йўналишларини ташкил этиш, туристлар оқимини янада кўпайтириш, замонавий туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, шунингдек, туризм йўналишларидаги тадбиркорлик соҳасига ушбу ҳудудлар аҳолисини кенг жалб қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

вилоятнинг Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Чиноз, Зангиота туманлари ва Ангрен шаҳрида зарур инфратузилмани шакллантириш орқали улар ўртасида ўзаро боғлиқликни таъминлаш асосида туристларнинг узлуксиз саёҳатлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу ҳудудларни **“Олтин ҳалқа”** туризм концепцияси асосида ривожлантириш;

Паркент туманининг **“Кумушкон”** маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида зарур инфратузилмани барпо этиш, оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ва қўшимча туризм хизматларини йўлга қўйиш ҳамда маҳаллий аҳолини туризм соҳасидаги тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида **“Кумушкон туризм қишлоғи”**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

“Олтин ҳалқа” туризм концепцияси 1-иловага мувофиқ;

2020-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш ва “Олтин ҳалқа” туризм концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ;

Паркент туманининг **“Кумушкон”** маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида **“Кумушкон туризм қишлоғи”**ни ташкил этиш чора-тадбирлари режаси (кейинги ўринларда Режа деб аталади) 3-иловага мувофиқ;

Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Дастурда ва Режада белгиланган тадбирлар ва лойиҳаларни ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда сифатли бажарилишининг тизимли мониторингини олиб борсин ва унинг натижаларини ҳар ойда муҳокама қилсин;

муаммоли масалаларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва уларни тезкорлик билан ҳал этиш бўйича амалий чоралар кўрсин.

Дастурда ва Режада белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 10-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3217-сон қарорига асосан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга маълумот киритиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорга иловаларга мувофиқ марказлаштириладиган маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни 2020-2021 йиллар давомида Дастурга киритилган лойиҳалар кўрсаткичларини аниқлаштирган ҳолда келгуси йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурлари параметрлари шакллантирилиши жараёнида иноватга олинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси вазифасини вақтинча бажарувчи А.У. Аккулов ва Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Қ. Холматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “31” декабрдаги 1053-сон қарорига
1-илова

“Олтин халқа” туризм КОНЦЕПЦИЯСИ

Тошкент вилоятида туризм “Олтин халқа” концепциясини (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) амалга ошириш истикболли ҳудудларнинг янги туризм йўналишлари бўйича ўзаро боғлиқликда ривожлантириш, туристларга қулай шарт-шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, таклиф этиладиган туризм маҳсулотлари турларини кенгайтириш, туризм соҳасида аҳоли бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришга қаратилган.

Концепция доирасида дастлаб туризм салоҳияти юқори бўлган Бўстонлиқ, Паркент, Зангиота, Оҳангарон, Бўка, Чиноз туманлари ва Ангрен шаҳри қамраб олинади ва у кейинчалик вилоятнинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ қилинади.

1-боб. Ҳудудларнинг туризм соҳасидаги имкониятлари

Тошкент вилояти туризмни ривожлантириш учун жуда қулай ҳудуд ҳисобланади. Вилоят туризмнинг барча йўналишлари, логистика ва табиий иқлим хусусиятлари бўйича кўплаб имкониятларга эга, хусусан:

Бўстонлиқ тумани – “Чорвоқ” эркин туристик зонаси, Угам-Чотқол миллий боғи, “Чорвоқ” сув омборига эга, шунингдек, туризм йўналишларининг барча турларини ривожлантириш имконияти мавжуд;

Паркент тумани – тоғолди ҳудуди ҳисобланади, табиати гўзал, зиёратгоҳлари, агротуризм масканлари, мазали овқатланиш шохобчалари мавжуд;

Зангиота тумани – тарихий ҳудуд ҳисобланади, зиёрат туризми объекти бўлган “Зангиота” мажмуаси, ҳунармандчилик марказлари, савдо мажмуаларига эга;

Оҳангарон тумани – тарихий манзилгоҳлар, маданий мерос объектларига бой, саноат туризми йўналиши бўйича туризм намоиши объектларига эга;

Бўка тумани – гастронимик туризм йўналишида ўзига хос туризм намоиши объектлари мавжуд;

Чиноз тумани – Тошкент ва воҳани боғловчи асосий магистрал йўл бўйида жойлашган, агротуризм, гастронимик туризм ва туризмнинг бошқа йўналишларини ривожлантириш имкониятларига эга;

Ангрен шаҳри – саноат шаҳри ҳисобланади, Янгиобод ва Лашкарак ҳудудларининг табиати гўзал, туристларга хизмат кўрсатувчи йўлбўйи овқатланиш шохобчаларига эга.

2-боб. Концепциясининг мақсади ва асосий вазифалари

Тошкент вилоятининг “Олтин ҳалқа” туризм концепцияси туристларни тизимли жалб қилиш мақсадида барча туризм хизматларини кўрсатишни тартибга солиш, ҳудуднинг жозибадорлигини ошириш, туристлар логистикаси учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларнинг узок муддат вилоят ҳудудида бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ҳудуддаги туристик масканларда қулай шарт-шароитлар яратиш орқали аҳоли ва тадбиркорларнинг даромадларини ошириш;

туристлар вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш;

туризм инфратузилмаси объектларига хизмат кўрсатишни ташкил этиш, маданий дам олиш, турли хил спорт турлари, эко, агро ва экстремал туризм билан боғлиқ хизматлар ташкил этиш.

Концепция қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутди:

1. Зангиота – Чиноз – Бўка – Охангарон – Ангрен – Паркент – Бўстонлик йўналишида туризм маршрутлари ва йўл кўрсаткич хариталарини ишлаб чиқиш.

2. Ҳудудлардаги туристик объектларни хатловдан ўтказиш, объектларнинг барча маълумотларини ўз ичига олган паспортларини тайёрлаш, ҳар бир туризм объектида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича йўл хариталарини ишлаб чиқиш.

3. Туризм маршрутларидаги мавжуд йўлбўйи инфратузилмаларини хатловдан ўтказиш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш чораларини кўриш, янги ташкил этиш зарур бўлган йўлбўйи инфратузилмаларини жойлаштириш манзилларини белгилаш ва намунавий лойиҳаларини тайёрлаш.

4. Туризм маршрутларида янги туризм объектларини ташкил этиш юзасидан жаҳон тажрибасини ўрганиш, янги туризм объектларини барпо этиш манзилларини аниқлаш, намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

5. Туризм маршрутларида алоҳида “Олтин ҳалқа” йўналишли таксилар, замонавий енгил автомашиналар, микроавтобуслар ва автобусларнинг қатновини ташкил қилиш.

6. Концепция доирасида ҳудудларнинг йўл инфратузилмасини яхшилаш чораларини кўриш.

7. Ҳудудларда туристлар учун миллий урф-одатларни намоиш этувчи маданий-кўнгилочар тадбирлар ташкил қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва доимий равишда ташкил этиш.

8. Ҳар бир ҳудуднинг миллий чойхоналарини ташкил этиш.

9. Хунармандчиликни ривожлантириш, туристлар учун эсдалик совғалари тайёрлашни йўлга қўйиш, хунармандларнинг уй музейларини ташкил этиш.

10. Оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш ва аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш.

11. “Олтин ҳалқа” туризм концепцияси доирасида Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича видеороликлар, қўлланмалар, йўл кўрсаткичлар, реклама-тарғибот материаллари тайёрлаш ва тарқатиш.

12. Туризм объектларида хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича соҳада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ходимлари учун махсус ўқув курсларини ташкил қилиш.

3-боб. Кутилаётган натижалар.

“Олтин ҳалқа” туризм концепцияси Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятини ривожлантиришга, вилоятнинг Бўстонлик, Оҳангарон, Паркент, Бўка, Чиноз, Зангиота туманлари ва Ангрен шаҳрида зарур инфратузилмани шакллантириш орқали уларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлашга, туристларнинг узлуксиз саёҳатлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга, вилоят ҳудудларининг ранг-баранглигини намоиш этишга ҳамда туристлар оқимини янада кўпайтириш ва уларнинг ҳудудда бўлиш давомийлигини узайтиришга имконият яратади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “31” декабрдаги 1053-сон қарорига
2-илова

**2020-2021 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини жадал ривожлантириш
ва “Олтин ҳалқа” туризм концепциясини амалга ошириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ**

т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1	Тошкент вилоятининг “Олтин ҳалқа” туризм логотипини (йўналишга киритилган ҳудудларнинг туризм хусусиятларини умумий фонда акс эттирган ҳолда) ишлаб чиқиш.	1. Танлов комиссияси таркибини тасдиқлаш. 2. Тошкент вилоятининг “Олтин ҳалқа” логотипининг асосий талабларини белгилаган ҳолда танлов эълон қилиш. 2. Танлов натижалари бўйича таклифларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш. 3. Якуний натижаларни Танлов комиссиясида муҳокама қилиш ва логотипни ишлаб чиқиш.	2020 йил март	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва ҳомийлик маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
2	“Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларнинг кириш жойида тасдиқланган логотип асосида стелла ўрнатиш.	1. Стелла макетини тайёрлаш. 2. “Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларнинг кириш қисмида стелла ўрнатиладиган жойларни белгилаш. 3. Шаҳар ва туманлар Тошкент вилоятининг “Олтин ҳалқа”сига киришини кўрсатувчи стелла ўрнатиш ишларни амалга ошириш.	2020 йил апрель	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ва ҳомийлик маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги
3	Тошкент вилоятининг “Олтин ҳалқа” йўналиши бўйича туризм харитасини ишлаб чиқиш.	1. “Олтин ҳалқа” йўналишидаги туризм объектларини хатловдан ўтказиш ва рўйхатини шакллантириш. 2. Туризм харитасини ишлаб чиқиш. 3. Туризм ахборот-марказлари ва туроператорлар орқали туризм хариталарини туристларга тарқатиш.	2020 йил март	Ижрочилар маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзердавгеокадастр” қўмитаси қошидаги “Картография” давлат илмий-ишлаб чиқариш корхонаси

4	“Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларнинг туризм салоҳияти ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги видеороликлар сценарийсини ишлаб чиқиш ва суратга олиш.	1. “Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги видеороликлар сценарийсини ишлаб чиқиш. 2. Тайёрланган сценарийлар асосида суратга олиш ишларини ташкил этиш.	2020 йил январь 2020 йил	Ижрочилар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги
5	“Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларда “Томоша-кузатув майдонлари”ни барпо этиш. Ушбу майдонларда мобил савдо нукталарини, туризм ахборот марказлари, Тошкент вилояти харитасини (катта шаклда) жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.	1. “Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларда “Томоша-кузатув майдонлари”ни барпо этиш учун ер майдонларини белгилаш; 2. Белгиланган ҳудудларда “Томоша-кузатув майдонлари”ни барпо этиш.	2020 йил июль	Ташаббускорлар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзердавгеокадастр” қўмитаси, Фавкулотда вазиятлар вазирлиги, Савдо-саноат палатаси
6	Кумушкон қишлоғида йил давомида ташкил этиладиган оммавий, маданий-кўнгилочар тадбирлар рўйхатини, ҳар бир тадбирни ташкил этишнинг аниқ муддатларини кўрсатган ҳолда шакллантириш ва тасдиқлаш.	1. Оммавий, маданий-кўнгилочар тадбирлар рўйхатини шакллантириш. 2. Шакллантирилган рўйхатни тасдиқлаш. 3. Рўйхат асосида тадбирларни ташкил этиш.	2020 йил январь 2020 йил	Ижрочилар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги
7	Тошкент вилояти Оқтош-Чорвоқ йўналишида “Aktash-Charvak mountains” ҳар йилги велопоёғ мусобақасини ташкил этиш.	1. Велопоёғ ташкил этишнинг ташкилий масалаларини ҳал этиш. 2. Велопоёғ мусобақасини ўтказиш.	2020 йил май-июнь	Ижрочилар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, “Uzreport” телеканали

8	“Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларда замонавий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш, шу жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоятларда мавжуд нуфузли ресторан ва енгил овқат шохобчаларининг филиалларини ташкил этиш.	1. Замонавий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш нукталарини белгилаш. 2. Аниқланган ҳудудларни келишиш учун Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиш. 3. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарорини қабул қилиш. 4. Белгиланган нукталарда замонавий овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш бўйича лойиҳа ташаббускорларини аниқлаш. 5. Лойиҳаларни амалга ошириш.	2020 йил февраль 2020 йил февраль 2020 йил март 2020 йил март-апрель 2020-2021 йиллар	Ижрочилар маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Ўзердавгеокадастр” қўмитаси
9	“Олтин ҳалқа”га кирувчи шаҳар ва туманларда енгил конструкцияли овқатланиш шохобчаларини барпо этиш учун ҳар бир шаҳар ва туманда камида 10 та ҳудуд (нуқта) белгилаб, “Shashleek” овқатланиш савдо нукталарини пилот ўрнатиш.	1. Енгил овқатланиш шохобчаларини ташкил этиш нукталарини белгилаш. 2. Аниқланган ҳудудларни келишиш учун Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этиш. 3. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг қарорини қабул қилиш. 4. Белгиланган нукталардаги ҳудудларни вақтинча фойдаланишга бериш учун ташаббускорларини аниқлаш. 5. Лойиҳаларни амалга ошириш.	2020 йил февраль 2020 йил февраль 2020 йил март 2020 йил март-апрель 2020-2021 йиллар	Ташаббускорлар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Ўзердавгеокадастр” қўмитаси, “Shashleek” МЧЖ
Бўстонлик тумани					
10	Бўстонлик туманида йўл атрофида 20 та туристларга хизмат кўрсатувчи мажмуаларни (туризм ахборот маркази, эсдалик	1. Туристларга хизмат кўрсатувчи мажмуалар қуриладиган жойларни белгилаш.	2020 йил давомида	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси,

	совгалари шохобчалари, савдо дўконлари кафе, автокемпинглар) куриш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	2. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни Маъмурий кенгашда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш. 3. “Чорвок” ЭТЗ дирекцияси ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида шартнома тузиш ва тармок жадвалларини тасдиқлаш. 4. Тармок жадвалларига мувофик қурилиш ишларини амалга оширилишини таъминлаш.	тармок жадваллари асосида		Лойиҳа ташаббускорлари
11	Тошкент вилояти Бўстонлик туманида жойлашган давлат органлари тасарруфидаги фойдаланилмаётган меҳмонхона объектларини хатловдан ўтказиш, хатлов натижалари бўйича бўш турган объектларни аниқ инвестиция мажбуриятларини белгиланган ҳолда белгиланган тартибда сотиш чораларини кўриш. Бунда, “Чорвок” сув омбори бўйида жойлашган объектларнинг сув омборига қадар бўлган ер майдонлари харидга қўйилмаслигини белгилаш.	1. Бўстонлик туманида жойлашган давлат органлари тасарруфидаги фойдаланилмаётган меҳмонхона объектларини хатловдан ўтказиш. 2. Хатлов натижалари бўйича бўш турган объектларнинг аниқ инвестиция мажбуриятларини белгилаш. 3. Хатлов натижалари бўйича бўш турган объектларни белгиланган тартибда сотиш чораларини кўриш.	2020 йил март	-	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги
12	“Чорвок” эркин туристик зонаси (ЭТЗ) ҳудудига қирувчи “Бурчмулла” давлат ўрмон хўжалигида салоҳиятли инвесторларни жалб этган ҳолда туризм йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш.	1. Ишчи гуруҳи тузиш ва “Бурчмулла” давлат ўрмон хўжалигида туризм объектлари ташкил этиш мумкин бўлган ҳудудларни аниқлаш. 2. Аниқланган ҳудудларга инвесторларни жалб этиш. 3. Инвесторлар билан узоқ муддатли ижара шартномалари тузиш.	2020-2021 йиллар давомида	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,

		4. Шартномаларга мувофик туризм объектларини ташкил этиш.			Тошкент вилояти ҳокимлиги
13	“Чорвоқ” сув омборига олиб борувчи ва атрофидаги автомобиль йўлларида ҳафсизликни таъминлаш мақсадида ўрнатилган бетон тўсиқларни (алоҳида ҳудудларда) симли (торли) тўсиқларга алмаштириш.	1. “Чорвоқ” сув омборига олиб борувчи ва атрофидаги автомобиль йўлларида жойлашган бетон тўсиқларни аниқлаш. 2. Бетон тўсиқларни (алоҳида ҳудудларда) симли (торли) тўсиқларга алмаштириш.	2020 йил март	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари	Тошкент вилояти ҳокимлиги
14	Бўстонлик туманида ҳар йили июнь ойида “Мафтункор табиат” халқаро экофестивалини ўтказиш.	1. Фестивални ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг таркибини шакллантириш. 2. Ташкилий қўмита томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар Режасини тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган Режага мувофик ташкилий ишларни амалга ошириш.	2020 йил май	Ташаббускорлар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси,
15	Бўстонлик-Тошкент-Бўстонлик оралиғида йўналишли туристик автобус ва такси хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш.	1. Туристларнинг талабини ўрганиш. 2. Ўрганиш натижаларига кўра йўналиш харитасини ишлаб чиқиш. 3. Ташаббускорларни жалб этиш. 4. Йўналишлар бўйича қатновларни йўлга қўйиш.	2020 йил май	Ижрочилар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
16	4Р-12 автомобиль йўлининг Паркент туманидан Бўстонлик туманигача бўлган қисмларида туристик йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни аниқлаш. 2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.	2020 йил май	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
17	Бўстонлик тумани туризм ва сервис касб-хунар колледжи фаолиятини тубдан такомиллаштириш чораларини кўриш. Бунда, колледжнинг ўқув режаси ва йўналишларини қайта	1. Бўстонлик тумани туризм ва сервис касб-хунар колледжи фаолиятини ўрганиш. 2. Ўрганиш натижаларига мувофик мавжуд камчиликларни бартараф этиш;	2020 йил июнь	Ижрочилар маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги

	кўриб чиқиш, педагог-профессорлар таркибини такомиллаштириш, туризм лабораторияларини ташкил этиш, ўқув биносини моддий жихозлашга алоҳида эътибор қаратиш.				
18	Бўстонлик туманида ташаббускорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан замонавий меҳмонхона мажмуасини қуриш учун ер майдони ажратиш.	1. Меҳмонхона лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Смета ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш. 3. Меҳмонхона барпо этиш учун ташаббускорга ер майдони бериш. 4. Қурилиш ишларини якунлаш.	2020 йил давомида	Ташаббускор маблағлари	Тошкент вилоят ҳокимлиги, “Капитал сугурта” акциядорлик жамияти
Паркент тумани					
19	Паркент туманининг Сўкок қишлоғида ҳар йили май ойида “Сўкок таомлари гастрономик туризм фестивали”ни ўтказиш.	1. Фестивални ўтказиш бўйича ташкилий кўмитани ташкил этиш. 2. Ташкилий кўмита томонидан амалга ошириладиган тадбирларни тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган тадбирларга мувофиқ ташкилий ишларни амалга ошириш.	2020 йил май	Ташаббускорлар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси
20	Паркент туманининг Заркент ҳудудида ҳар йили август ойида “Вино фестивали”ни ўтказиш.	1. Фестивални ўтказиш бўйича ташкилий кўмитани ташкил этиш. 2. Ташкилий кўмита томонидан амалга ошириладиган тадбирларни тасдиқлаш. 3. Тасдиқланган тадбирларга мувофиқ ташкилий ишларни амалга ошириш.	2020 йил август	Ташаббускорлар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Ўзшаробсаноат” агентлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси
21	Паркент туманининг Қумушқон маҳалласида ташкил этилаётган “Туризм қишлоғи”да	Маҳалладаги хонадон эгалари учун оилавий меҳмон уйлари ташкил этишнинг тартиби ва имтиёзлари юзасидан тарғибот	режа-жадвал асосида	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банки кредитлари	Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси,

	50 та оилавий меҳмон уйларини ташкил этиш.	ва тушунтириш ишлари ҳамда семинар-тренинглар ташкил этиш.			Тошкент вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар
22	Паркент-Кумушкон-Паркент йўналишида туристик автобус ва такси хизматларини йўлга қўйиш.	1. Туристлар талабини ўрганиш. 2. Ўрганиш натижаларига кўра йўналиш харитаси ташкил этиш. 3. Ташаббускорларни жалб этиш. 4. Йўналишлар бўйича қатновларни йўлга қўйиш.	2020 йил май	Ижрочилар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
23	Паркент туманидаги “Кумушкон туристик қишлоғи”ни тоза ичимлик сув билан таъминлаш.	1. Мавжуд эҳтиёжни ўрганиш. 2. Лойиҳани ишлаб чиқиш ва давлат инвестиция дастурига киритиш. 3. Белгиланган тартибда ҳудудни ичимлик сув билан таъминлаш.	2021 йил май	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги
24	Паркент туманидаги “Кумушкон туристик қишлоғи” ҳудудида туристлар учун санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш.	1. Санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш бўйича жойларни аниқлаш. 2. Тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда санитария-гигиена шохобчаларини барпо этиш.	2020 йил декабрь	Ташаббускорлар маблағлари ҳисобидан	Тошкент вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар
25	А-373 ҳамда 4Р-12 автомобиль йўлларининг Ангрен шаҳридан Паркент туманигача бўлган қисмларида туристик йўл кўрсаткичларни ўрнатиш.	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни аниқлаш. 2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.	2020 йил октябрь	Ижрочилар маблағлари ҳисобидан	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
26	Паркент туманидаги 28 гектар узумзор майдонида виночилик туризмга бағишланган “Виночилар маскани” лойиҳасини амалга ошириш	1. “Паркент консалтинг сервис” МЧЖга тегишли 28 гектар узумзорни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчиликни ва виночиликни ривожлантириш агентлигига (Агентлик) баланс қийматда жамиятнинг Агентлик олдидаги қарздорлиги ҳамда қолган қисмига жамият устав капиталидаги	2021 йил	Ташаббускорлар ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчиликни ва виночиликни ривожлантириш агентлиги жамғармаси маблағлари	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчиликни ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги,

		давлат улишини камайтириш ҳисобига ўтказиш. 2. “Виночилик маскани” лойиҳаси доирасида Агентлик тасисчилигидаги маъсулияти чекланган жамияти кўринишидаги юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш ва 28 гектар ер майдонини улар ўртасида тақсимлаш. 3. 28 гектар ер майдонида “Виночилар маскани” лойиҳасини тайерлаш. 4. Мазкур лойиҳанинг ташаббускорларини аниқлаш учун танлов эълон қилиш ва Агентлик томонидан амалга оширилган харажатларни қоплаш шарти билан юридик шахслардаги Агентлик улушини ҳолибларга ўтказиб бериш. 5. Лойиҳани амалга ошириш.			Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси
Оҳангарон тумани					
27	Оҳангарон туманидаги “Шоабдумалик ота” зиёратгоҳини ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш.	1. Зиёратгоҳ атрофидаги йўллар, йўлкалар ва ариқларни тозалаш ва ободонлаштириш. 2. Зиёратгоҳ атрофига кўп йиллик манзарали ва мевали дарахтларни ўтказиш.	2020 йил июнь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
28	Ҳунармандлар савдо маркази, маданий ҳордиқ чиқариш объектлари, селфи зонаси ва савдо дўконларини ташкил этиш.	1. Зиёратгоҳ атрофида туристлар учун савдо объектларини ташкил этиш учун жойини аниқлаш. 2. Лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Лойиҳани амалга ошириш.	2020 йил январь 2020 йил декабрь	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси
29	А-373 автомобиль йўлининг Бўка ва Оҳангарон туманларидан	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни аниқлаш.	2020 йил август	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси,

	Ўтувчи қисмларида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.			Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ангрен шаҳри					
30	Ангрен шаҳрининг “Лашкарак” маҳалласи ҳудудида экотуризм ва тоғ туризмини ривожлантириш.	1. Экотуризм лойиҳаларини амалга оширидиган ташаббускорларни аниклаш. 2. Лойиҳаларни амалга ошириш. 3. Ташкил этилган туризм объектларини ОАВда тарғиб қилиш.	2020 йил июль	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банки кредитлари	Тошкент вилоят ҳокимлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, тижорат банклари, ташаббускорлар
31	А-373 автомобиль йўлининг Оҳангарон тумани ва Ангрен шаҳридан (“Лашкарак” маҳалласига 20 км, Янгиобод маҳалласига 15 км) ўтувчи қисмларини реконструкция қилиш.	1. “Лашкарак” маҳалласига боровчи йўлни ҳолати ва уни таъмирлаш бўйича нуксон далолатномасини тузиш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. 2. Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан маблағ ажратиш. 3. 2020 йил Инвестиция дастурига киритиш. 4. Йўللارни таъмирлаш ва асфальт қилиш ишларини амалга ошириш.	2020 йил январь 2020 йил	Инвестиция дастури асосида	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
32	А-373 автомобиль йўлининг Оҳангарон тумани ва Ангрен шаҳридан ўтувчи қисмларида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни аниклаш. 2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.	2020 йил октябрь	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
33	А-373 автомобиль йўлининг Оҳангарон тумани ва Ангрен шаҳридан ўтувчи қисмларида туристлар учун санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш.	1. Санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш учун жойларни аниклаш. 2. Тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда уларни барпо этиш.	2020 йил сентябрь	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар
34	“Лашкарак” маҳалласини ичимлик сув билан таъминлаш.	1. Мавжуд эҳтиёжни ўрганиш. 2. Лойиҳа-смета лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва давлат инвестиция дастурига киритиш.	2021 йил декабрь	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги,

		3. Белгиланган тартибда ҳудудни ичимлик сув билан таъминлаш.			Сув хўжалиги вазирлиги, Иктисодиёт ва саноат вазирлиги
Чиноз тумани					
35	Чиноз туманидаги “Балиқ бозори” ва унинг атрофидаги умумий овқатланиш шохобчаларини реконструкция қилиш ва атрофини ободонлаштириб, гастрономик туризм учун шарт-шароитлар яратиш.	1. Реконструкция қилинадиган ва янги қуриладиган объектлар лойиҳаларини тайёрлаш. 2. Лойиҳа ташаббускорларини аниклаш. 3. Лойиҳа асосида объектларни қуриб фойдаланишга топшириш.	2020 йил апрель	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги
36	Ташриф буюрувчиларга қулайлик яратиш мақсадида “Балиқ бозори” олдидаги автотураргоҳларни қайта таъмирлаш.	1. Мавжуд автотураргоҳлар ҳолатини аниклаш. 2. Таъмирталаб автотураргоҳларни тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда қайта таъмирлаш.	2020 йил апрель	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар
37	М-39 автомобиль йўлининг Зангиота ва Чиноз туманларидан ўтувчи қисмларида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни аниклаш. 2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.	2020 йил март	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бўка тумани					
38	Бўка туманида лойиҳа асосида туристлар ташрифи учун гастрономик туризм талабларига мос “Ош маркази”ни ташкил этиш.	1. “Ош маркази”ни ташкил этиш учун ташриф учун қулай жойни аниклаш. 2. Объект лойиҳасини тайёрлаш. 2. Лойиҳа ташаббускорини аниклаш. 3. Лойиҳа асосида объектларни қуриб фойдаланишга топшириш.	2020 йил сентябрь	Ташаббускорларнинг ўз маблағлари, тижорат банки кредитлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги
39	М-34 автомобиль йўлининг Чиноз ва Бўка туманларидан ўтувчи қисмларида йўл кўрсаткичларини ўрнатиш.	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни белгилаш. 2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.	2020 йил май	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги

40	М-34 автомобиль йўлининг Чиноз ва Бўка туманларидан ўтувчи қисмларида туристлар учун санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш.	1. Санитария-гигиена шохобчаларини ташкил этиш учун жойларни аниқлаш. 2. Санитария-гигиена шохобчаларини тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда барпо этиш.	2020 йил май	Тадбиркорлик субъектлари маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, ташаббускорлар
Зангиота тумани					
41	Тошкент шаҳар “Эркин” постидан “Зангиота” зиёратгоҳига бориш йўлида белгиланган талабларга мос йўл белгиларини ўрнатиш.	1. Йўл белгилари ўрнатиладиган жойларни аниқлаш. 2. Белгиланган жойларга йўл белгиларини ўрнатиш.	2020 йил июнь	Ижрочилар маблағлари	Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси, Тошкент вилоят ҳокимлиги
42	“Олтин ҳалқа”нинг туризм маршрутларини ишлаб чиқиш.	1. Ташкил этилган туристик объектларнинг рўйхатини шакллантириш. 2. Ушбу рўйхат асосида туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. 3. Туризм маршрутларини туроператорлар ва турагентларга тақдим этиш.	2020 йил май	Ижрочилар маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
43	“Олтин ҳалқа”ни ижтимоий сайтлар ва ОАВда тарғиб ва ташвиқ қилиш.	1. ОАВга ташкил этилган туристик объектлар тўғрисида маълумот бериш. 2. ОАВ ва блогерлар учун инфотурлар ташкил этиш.	доимий	Ижрочилар маблағлари	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
44	Ташриф буюрувчилар марокли дам олишлари учун кўнгилочар ва маданий тадбирлар ўтказиш.	1. Туристлар учун тақдим этиладиган тадбирлар рўйхатини шакллантириш. 2. Тадбирларни сахналаштириш. 3. Ҳафтанинг маълум кунлари тадбирларни ўтказиш.	доимий	Маҳаллий бюджет маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги
45	Ташкил этилган туристик жойларда Интернет тезлигини ошириш ва Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	1. Туристлик объектлардаги мавжуд симсиз қурилмаларни янгилари билан алмаштириш. 2. Харажатларни аниқлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш. 3. Wi-Fi зоналарини ташкил этиш.	2020 йил давомида	Ижрочилар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ташаббускорлар

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “31” декабрдаги 1053-сон
қарорига 3-илова

**Паркент туманининг “Кумушкон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида
“Кумушкон туризм қишлоғи”ни ташкил этиш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ РЕЖАСИ**

T/р	Амалга ошириладиган ишлар	Ўлчов бирлиги	Ҳажми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш миқдори (млн.сўм)	Молиялаштириш манбан	Масъуллар
Жами:					28 971,7		
Ички кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш							
1.	Автомобиль йўлларини асфальт қилиш.	км.	5	2020 йил март	4 200	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
2.	Ички кўчаларни текислаш ва шағал ётқизиш.	км.	11,3		3 400		
3.	Йўл кўрсаткич белгиларини ўрнатиш.	дона	60		60		
Тунги кўча ёритиш тизимини яхшилаш							
4.	Тунги ёритгичларни ўрнатиш.	дона	500	2020 йил март	2 000	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
5.	Таянч устунларини ўрнатиш.	дона	100		600		
6.	Тунги ёритгичларнинг бошқарув қутилариини ўрнатиш.	дона	5		40		
7.	Тунги ёритиш чироклари учун кабель линияси тортиш.	км.	25		900		
8.	Гулзорлар ташкил этиш (гулдон).	дона	10		200		
Электр таъминотини яхшилаш							
9.	Электр тармоқлари учун таянч устунларини ўрнатиш	дона	160	2020 йил март	200	Тармоқ корхона-ларининг ўз маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
10.	Электр тармоқларини таъмирлаш.	км.	6,4		202		

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Ўлчов бирлиги	Хажми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш миқдори (млн.сўм)	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
11.	Трансформаторларни таъмирлаш/алмаштириш.	дона	1		60		
Табий газ таъминотини яхшилаш							
12.	Газ қувурлари ва ундаги қурилмаларни таъмирлаш ва бўяш.	км.	6,5	2020 йил март	4 700	Тармоқ корхона-ларининг ўз маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Худудгазтаъминот” АЖ
Ичимлик сув ва оқова сув тармоғи таъминотини яхшилаш							
13.	Ичимлик сув тармоғи таъминотини яхшилаш.	км.	14,2	2020 йил март	2 243	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
14.	Оқова тармоғи қуриш.	км.	8	2020 йил март	1 880		
Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш							
15.	Чиқинди йиғиш пунктлари қуриш (модуль ўрнатиш).	дона	5	2020 йил март	35	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК
Якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш							
16.	Якка тартибдаги уй-жойларнинг фасад қисми таъмирлаш.	дона	110	2020 йил декабрь	150	Ташаббускорлар маблағлари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Кумушкон” МФЙдаги Якка тартибдаги уй эгалари - ташаббускорлар
17.	Якка тартибдаги уй-жойларнинг дарвозаларини таъмирлаш.	дона	50		75	Ташаббускорлар маблағлари	
18.	Якка тартибдаги уй-жойлар атрофида тўсик деворлар қуриш.	дона	45		160	Ташаббускорлар маблағлари	
19.	Якка тартибдаги уй-жойларнинг тўсик деворларини таъмирлаш.	дона	40		60	Ташаббускорлар маблағлари	
20.	Якка тартибдаги уй-жойларнинг том қисмини таъмирлаш.	дона	30		70	Тижорат банк	
					80	Ташаббускорлар маблағлари	

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Ўлчов бирлиги	Ҳажми	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш миқдори (млн.сўм)	Молиялаштириш манбаи	Масъуллар
Маданий-қўнғилочар тадбирларни ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратиш							
21.	10 та хонадон вакиллари жалб қилган ҳолда санъаткорлар кўчасини ташкил қилиш, мусиқа чолғу асбоблари билан таъминлаш.	дона	20	2020 йил март	23	Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Маданият вазирлиги
22.	Миллий санъат ва маданий тадбирларни ўтказиш учун сахна қуриш.	дона	1		20		

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “31” декабрдаги 1053-сон қарорига
4-илова

**Тошкент вилоятида туризмни ривожлантириш бўйича қўшимча
амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ**

Т/р	Лойиҳанинг номи	Лойиҳа ташаббускори	Қуввати		Лойиҳа қиймати (млн сўм)	Шу жумладан:			Ишга тушириш муддати	Яратила- диган янги иш ўринлари
			Хоналар сони	Ўринлар сони		Ўз маблаг- лари (млн сўм)	Тижорат банк кредити (млн сўм)	Хорижий инвестици- ялар (минг долл.)		1 523
			1 472	3 293		638 009	482 484	142 245		
Ангрен шаҳри										
1.	Соғломлаштириш маркази ва меҳмонхона хизматини ташкил этиш.	“Оби-ҳаёт” ХК	20	45	1 600	1 400	200		2020 йил 1-чорак	5
2.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	Фукаро Мадаминов Фаррух	30	60	5 000	4 500	500		2020 йил 1-чорак	6
3.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Ангрен компьютер сервис” МЧЖ	16	32	800	500	300		2020 йил 1-чорак	30
4.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Ангрен этюд шарқ” МЧЖ	24	48	4 500	3 000	1 500		2020 йил 1-чорак	25
5.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Истикбол файз плюс” МЧЖ	90	180	14 000	7 000	7 000		2020 йил 1-чорак	60
6.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Қорабоғсой кум шағал” МЧЖ	25	50	4 480	4 480			2020 йил 2-чорак	16
7.	Соғломлаштириш маркази ва меҳмонхона ташкил этиш.	“Сапада-меҳрибон” МЧЖ	20	50	1 800	1 000	800		2020 йил 4-чорак	13
Бекобод тумани										
8.	Меҳмонхона ва умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этиш.	“Азизбек Зебохон Омад” МЧЖ			1 900	1 500	400		2020 йил 1-чорак	20

Бўстонлик тумани										
9.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Евро Азия Индастри” МЧЖ	80	160	25 000	25 000			2020 йил 1-чорак	50
10.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Радикс” МЧЖ	120	240	20 000	20 000			2020 йил 1-чорак	70
11.	Экстримал туризм. Рафтингни ташкил этиш.	“Funny Travel” МЧЖ			4 200	4 200			2020 йил 1-чорак	30
12.	Кийикчилик йўналишида эко ва агротуризм комплексини ташкил этиш.	“Corrida Food” ОК			9 436	2 831	6 605		2020 йил 1-чорак	15
13.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Ёшлар спорт маркази” ХК	120	240	15 000	5 000	10 000		2020 йил 1-чорак	50
14.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	80	160	23 000	23 000			2020 йил 1-чорак	80
15.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши	280	560	53 000	53 000			2020 йил 1-чорак	170
16.	Дам олиш масканини ташкил этиш.	“Gul Saroy” МЧЖ			4 000	3 000	1 000		2020 йил 1-чорак	26
17.	Замонавий ресторан ташкил этиш.	“Aero Hostel” МЧЖ			400	400			2020 йил 1-чорак	10
18.	Туристик дам олиш ва соғломлаштириш комплексини барпо этиш.	“Глобал тайм виллаж” МЧЖ			48 060	13 060	35 000		2020 йил 1-чорак	30
19.	Кичик меҳмонхона ташкил этиш.	“Bizart Business GP” МЧЖ			503	503			2020 йил 1-чорак	8
20.	Экотуризм йўналишида балиқ овлаш ва овқатланиш комплексини ташкил этиш.	“Core It Service” МЧЖ			2 520	2 520			2020 йил 2-чорак	12
21.	Меҳмонхона ва коттеж типтаги оромгохни ташкил этиш.	“Пластекс” МЧЖ			80 000	80 000			2020 йил 4-чорак	60

[illegible]

35.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	Фукаро Абдурахмонов Алишер	10	20	2 600	2 300	300		2020 йил 1-чорак	8
Олмалик шаҳри										
36.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Technotex Trade” ХК	20	40	3 000	500	2 500		2020 йил 2-чорак	10
Оҳангарон шаҳри										
37.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Темир ота” ХК	40	100	2500	1500	1000		2020 йил 3-чорак	12
Тошкент тумани										
38.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Янги имкониятлар даври” МЧЖ	20	80	64 000	64 000			2020 йил 1-чорак	50
39.	Меҳмонхона ташкил этиш.	“Morus Hotel” МЧЖ			3090	3090			2020 йил 1-чорак	12
Ўрта Чирчиқ тумани										
40.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Food City Tashkent” ҚК МЧЖ	60	186	10 000	10 000			2020 йил 1-чорак	60
41.	Замонавий меҳмонхона, ресторан мажмуаси ва экотуризмни ташкил этиш.	“Golden Fish Group” МЧЖ	20	100	5 760	5 760			2020 йил 1-чорак	30
42.	Дам олиш маскани ва кўнгилочар истирохат боғини ташкил этиш.	“Tash Begas” МЧЖ ХК			13 280			1 600	2020 йил 4-чорак	50
Янгийўл тумани										
43.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“Соғдиана- Сабрина” МЧЖ	25	50	2 500	2 500			2020 йил 1-чорак	30
44.	Замонавий меҳмонхона мажмуасини ташкил этиш.	“New lucky future” МЧЖ	18	24	2 500	2 500			2020 йил 1-чорак	15
45.	Очиқ ва ёпиқ турдаги бассейн, кўнгилочар (аква парк) ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ташкил этиш.	Б.Мухаммедов (Юридик шахс ташкил этган ҳолда)			42 500	17 000	25 500		2020 йил 2-чорак	10

